



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI QUMQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

Qumqo‘rg‘on tumani, O‘zbekiston shoh ko‘chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, qumhok@exat.uz

2021 -yil “22 ” феврал

Қ-256 -son

Qumqo‘rg‘on t.

Туманда “GREAT GREEN” ишлаб чиқариш кооперативи ташкил этиш ва қишлоқ хўжалиги кооперативи ҳаракатини ривожлантириш мақсадида 40,0 гектар яйлов ер майдонини ажратиб бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2019 йил 16 октябрдаги № 23690-сонли, Вазирлар Маҳкамасининг 21 октябрдаги № 02/1-3392-сонли топшириғига асосан, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6, 53-моддалари ҳамда фуқаро Мордонақулов Тўлқиннинг туман ҳокими номига ёзган аризасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ер майдонлари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2021 йил 10 февралдаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Туманда Мордонақулов Тўлқин бошлиқ “GREAT GREEN” ишлаб чиқариш кооперативи ташкил этилсин ва унинг Низоми рўйхатга олинсин ҳамда қишлоқ хўжалиги кооперативи ҳаракатини ривожлантириш ҳамда мева сабзаёт етиштириш мақсадида Н.Мирзаев массиви “Янги авлод” маҳалласи худудидан хўжалик харитасида 563қ, 563бқ-дала контурлардан 40,0 гектар яйлов ер майдони 30 (ўттиз) йил муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиб берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддаси талабига асосан ажратилган ер майдонидан белгиланганидан бошқа мақсадда фойдаланганда мазкур қарор бекор қилиниб, ер майдони қайтариб олиниши белгилаб қўйилсин.

4. Туман давлат солиқ инспекцияси (З.Турсунов)га “GREAT GREEN” ишлаб чиқариш кооперативига қишлоқ хўжалиги кооперативи ҳаракатини ривожлантириш мақсадида Н.Мирзаев массиви “Янги авлод” маҳалласи

худудидан хўжалик харитасида 563к, 563бқ-дала контурларда 40,0 гектар яйлов ер майдони ажратиб берилаётганлиги муносабати билан қонунда белгиланган тартибда ер солиғини давлат бюджетига ундириш топширилсин.

5. Кадастр агентлиги Қумқўрғон туман бўлими бошлиғи (Х.Йўлдошев)га туман ер ҳисобига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳамда "GREAT GREEN" ишлаб чиқариш кооперативига ажратилган ер майдонини жойида ўлчаб бериш ҳамда рўйхатга олиш вазифаси топширилсин.


6.Туман ҳокимлиги Девонхона бўлими (Ш.Чориев)га мазкур қарор нусхаларини тегишли манфаатдор ташкилотларга етказиш вазифаси юклатилсин.

7.Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилишни туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Қ.Алматов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Р.Гапбаров



ДАЛОЛАТНОМА

“10” феврал 2021 йил

Кумкўрғон т

Бизлар ким, далолатнома тузиб имзо чекувчилар: Гуруҳ раиси-Р.Гаппаров туман ҳокими, гуруҳ раиси ўринбосари Қ.Алматов-туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, А.Самадов-туман фермер, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси, Х.Йўлдошев-Кадастр агентлиги Кумкўрғон туман бўлими бошлиғи, З.Турсунов-туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи, Ш.Аллаяров-туман статистика бўлими бошлиғи, Б.Исмамов-вилоят экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси Кумкўрғон туман бўлими бошлиғи, Ш.Бўтаев-туман давлат хизматлари маркази бошлиғи, Э.Ишниёзов-“Агрокимёхимоя” АЖ Кумкўрғон туман филиали мудир, Р.Мирзаев-Кадастр агентлиги Кумкўрғон туман бўлими мутахассиси, “Ўзбекистон беш йиллиги” маҳалласида яшовчи фуқаро Мордонакулов Тўлқинлар бўлиб тузамиз, ушбу далолатномани шу ҳақдаким, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2019 йил 16 октябрдаги № 23690-сонли, Вазирлар Маҳкамасининг 21 октябрдаги № 02/1-3392-сонли топшириғи “Ўзбекистон беш йиллиги” маҳалласида яшовчи фуқаро Мардонакулов Тулқинга ишлаб чиқариш кооперативи ташкил этиш ва қишлоқ хўжалиги кооперативи ҳаракатини ривожлантириш мақсадида Н.Мирзаев массиви “Янги авлод” маҳалласи худудидан хўжалик харитасининг 563қ, 563бқ-дала контурларда жойлашган 40,0 гектар яйлов ер ажратиб бериш тўғрисида

Танланаётган ер майдони чегараси Шимолий томони кўча билан, Шарқий аҳоли яшаш пункти билан, Жанубий томони аҳоли яшаш пункти билан, Ғарбий томони аҳоли яшаш пункти билан чегарадош.

Ишчи гуруҳ хулосаси

Танлаб ва ажратилаётган ер майдони ёнғинга қарши, санитария, экологик ҳолатлари қурилиши (СНИП) нормаларига тўлиқ жавоб беради.

Ушбу далолатноманинг тасдиғини туман Ҳокимидан сўраб имзо чекувчилар:

Комиссия раиси:

Р.Гаппаров

А Ъ З О Л А Р И:

Қ.Алматов

А.Самадов

Х.Йўлдошев

З.Турсунов

Ш.Аллаяров

Б.Исмамов

Ш.Бўтаев

Э.Ишниёзов

Р.Мирзаев

Т.Мордонакулов



Кумкургон тумани хокими
Р.Гаппаровга
Кумкурго тумани «Ўзбекистон 5
йиллиги» МФЙ фукароси
Мардонакулов Тулкин томонидан

АРИЗА

Ушбу аризамни ёзишимдан мақсад мамлакатимизда тадбиркорлик учун қулай ашрт шароитлар яратилиб келинмоқда. Биз янги иш уринлари яратиш ва тадбиркорлик фаолиятимизни кенгайтириш мақсадида «ЁҒОЧ ҚИРИНДИЛИ ПЛИТАЛАР ВА УЛАРНИНГ МУҚОБИЛ ТУРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ Га асосан ПАВЛОВНИЯ дарахтини плантация усулида етиштириш ҳамда ЁВВОЙИ ҲОЛДА ЎСУВЧИ ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, МАДАНИЙ ҲОЛДА ЕТИШТИРИШ, ҚАЙТА ИШЛАШ ВА МАВЖУД РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ Га асосан ДОРИВОР УСИМЛИКЛАР (НАМАТАК,)ни плантация усулида етиштириш учун Кумкургон тумани «Янги авлод» маҳалласи ҳудудидаги 563 ва 565 дала контуридаги **ййлов ердан** 40 гектар ер майдонини **КИШЛОК ХУЖАЛИГИ КОПЕРАТИВИ** сифатида ажратиб беришда амалий ёрдам беришингизни сурайман.

Сугоришнинг замонавий илгор технологиялари яъни томчилатиб сугориш тизимидан фойдаланган ҳолда Кумкургон тумани «Янги авлод» маҳалласи ҳудудидаги 563 ва 565 дала контуридаги **ййлов ернинг** 40 гектар ер майдонини режа асосида фойдаланадиган ерлар тоифасига киритиб **ПАВЛОВНИЯ ва НАМАТАК плантацияси** ташкил этиб, ернинг мелиоратив аҳолини яхшиланишини ҳамда кишлок хужалиги соҳасида амалий иш тажрибасига эга булган фукароларнинг 13 нафарини доимий иш билан таъминлаймиз.

Ушбу самара бурувчи усимликларни етиштириш учун Сиздан қаровсиз чул ййлов майдони сураб мурожаат қиляпмиз. Янги фойдаланишга яроқли ер ташкил қилиб, янги иш урни яратишимизда 563 ва 565 контурдан 40 гектар ййлов ердан ер майдони ажратиб беришингизни яна бир бор илтимос қилиб сураймиз.

Тел : +99893-076-95-87

Фукаро:

Т.Мардонакулов

Т.Мардонакулов

21.01.2021-й

SAHIFALAR SONI	
KIRISH №	161/01-41
SANASI	21.01.21

КУМКУРГОН ТУМАНИ
ЕР РЕСУРСЛАРИ ВА
ДАВЛАТ
СОСТАВИ БИЛАН
КИРИШ
НА

01.01.2021
21.01.21

**Surxondaryo viloyati Qumqo'rg'on
tuman fermer, dehqon xo'jaliklari va
tomorqa yer egalari Kengashi**

190900, Surxondaryo viloyati, Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shox
ko'chasi 3-uy



**Сурхондарё вилояти Қумқўрғон
туман фермер, деҳқон
хўжаликлари ва томорқа ер
эгалари Кенгаши**

190900, Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани, Ўзбекистон шох
кўчаси 3- уй

2021 йил «26» январь

Қумқўрғон тумани

№ 60

Сурхондарё вилоят Қумқўрғон тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг Қумқўрғон туманидаги “Ўзбекистон 5 йиллиги” мфй фуқароси Марданоқулов Тўлқинга кооператив учун ер майдони олишга муносиб ёки номуносиблиги ҳақида.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15-декабрдаги “фермер хўжаликларини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 362-сонли қарорига кўра, фуқаро **Марданоқулов Тўлқинга** фермер хўжалик юритиш учун ер майдони (участкалари) берилишига муносиб ёки номуносиблиги бўйича, Қумқўрғон туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши хулоса бериш учун ўтказган суриштирув текширув натижасида қуйидагиларни аниқлади:

1. Талабгорнинг иш стажи 3 йил, Қишлоқ хўжалигида тажрибаси бор.
2. Маълумоти ўрта-маҳсус, ҳуқуқшунос
3. Талабгорнинг 4 бош қорамол, 6 бош қўйи мавжуд.
4. Талабгорнинг ЮМЗ трактори мавжуд.
5. Талабгорнинг 13 та ишчи кучи мавжуд.
6. Талабгорнинг иқтисодий асосланган бизнес режаси мавжуд.
7. Талабгор мавжуд 0,40 га томорқасидан сабзавот экинлари экиб самарали фойдаланиб келмоқда.

Юқоридагиларга кўра, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши қуйидаги хулосага келди.

Қумқўрғон туманидаги “Ўзбекистон 5 йиллиги” маҳалласида яшовчи Марданоқулов Тўлқинга Н.Мирзаев ҳудудидан Кооператив юритиш учун ер майдони (участкалари) ажратилишига муносиб.

Ушбу хулоса аризалар билан биргаликда туман “Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси”га юборилсин.

**Қумқўрғон тумани фермер, деҳқон
хўжаликлари ва томорқа ер эгалари**

Кенгаши раиси:

А.Самадов

161/01-41

21.01.2021 й